

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВА УМИДАЖОН УЛУҒБЕКОВНА**

**НОҚУЛАЙ ЭКОЛОГИК МУҲИТ ТАЪСИРИДА КИЧИК ЁШЛИ  
БОЛАЛАР ЎТКИР ЗОТИЛЖАМ КАСАЛЛИГИДА ГЕМОСТАЗ  
ТИЗИМИ ЎЗГАРИШЛАРИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Юсупова Умидажон Улуғбековна**

Ноқулай экологик муҳит таъсирида кичик ёшли болалар ўткир зотилжам касаллигида гемостаз тизими ўзгаришлари.....

**Юсупова Умидажан Улуғбековна**

Изменения системы гемостаза при острой пневмонии у детей раннего возраста в условиях неблагоприятной экологической среды.....

**Yusupova Umida Ulugbekovna**

Changes in the hemostasis system in acute pneumonia in early children in an unfavorable environmental environment.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВА УМИДАЖОН УЛУҒБЕКОВНА**

**НОҚУЛАЙ ЭКОЛОГИК МУҲИТ ТАЪСИРИДА КИЧИК ЁШЛИ  
БОЛАЛАР ЎТКИР ЗОТИЛЖАМ КАСАЛЛИГИДА ГЕМОСТАЗ  
ТИЗИМИ ЎЗГАРИШЛАРИ**

**14.00.09 – Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.PhD/Tib899 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб саҳифасининг ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бобомуратов Турдикул Акрамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шамсиев Фурқат Мухидинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Рустамов Мардонкул Рустамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**С.Д. Асфандиёров номидаги Қозоғистон Миллий тиббиёт Университет**

Диссертация ҳимояси Самарканд давлат тиббиёт университети хузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашининг 2022 “\_\_\_”\_\_\_\_\_ кун соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарканд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел./факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail:shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарканд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарканд шаҳри, Амир Тимур кўчаси, 18 уй. Тел./факс:(+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да таркатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З.Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациянинг мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда пандемия даврида нафас олиш органларининг ўткир касалликлар ўлим кўрсаткичи таркибида етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг фикрига кўра, «...пневмония дунё бўйлаб, 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг 15% ҳолатларини ташкил қилади, Ўзбекистон Республикасида болалар ва ўсмирлар ўртасида зотилжам касаллигининг тарқалиши 17,7% дан 19,5% гача ташкил этади ва унинг кечиши тўғридан тўғри экологик омиллар билан чамбарчас боғлиқдир...атроф-муҳит омилларининг саломатлик ҳолатига таъсирининг улуши 17-20% да келиб, генетик- биологик омиллардан кейинги ўринда туради»<sup>1</sup>. Айни пайтда Орол бўйи худуди экологияси ва аҳолисининг саломатлиги нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон жамоатчилиги учун ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Зотилжам касаллигини эрта ташхислаш, таъсир этувчи омилларни ва касалликни клиник-лаборатор хусусиятларини намоён бўлишини аниқлаш, гемостаз тизимининг ҳолати ва касаллик асоратларини олдини олиш учун патогенетик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда муолажаларини буюриш, касалликнинг эрта муддатларда бартараф этиш каби тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Жаҳонда болаларда учрайдиган зотилжам касаллигининг кечишига организмнинг жавоб реакцияси сифатида яллиғланиш жараёнига гемостаз тизимининг таъсирини асослаш ва патогенетик даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада болаларда ушбу касалликнинг этиологик омилни ўз вақтида аниқлаш, анамнестик маълумотларнинг хусусиятларини, клиник кўринишларини, яллиғланиш белгилари ва цитокинлар таркибий кўрсаткичларининг ҳолатини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, гемостаз тизимининг ҳолатини, экологик вазиятнинг таъсирини ўрганиш ва даволаш чора-тадбирларининг патогенетик усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек самарали даволаш тартибини амалиётга тадбиқ қилишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

(Бу борада кичик ёшдаги болаларда шифохонадан ташқари ўткир зотилжам ривожланишида прогностик хавф омилларини шаклланишининг патогенетик механизмларини, замонавий текширув усуллари, клиник ва лаборатор хусусиятларига асосланиб, ташхислаш механизмларини аниқлаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади)

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, бронх-ўпка патологияси мавжуд болалар орасида соматик касалликларни эрта ташхислаш, касалликнинг даволаш усулларини такомиллаштириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб

---

<sup>1</sup>. ЖССТ. «ЖССТ Европа минтақасида соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш» 2018

муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш»<sup>2</sup> вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ноқулай экологик шароит ҳисобланган Хоразм вилоятида яшайдиган эрта ёшли болаларда ўткир зотилжам касаллигида гемостаз тизими ҳолатини баҳолаш, фон касалликларини учраш частотасини, зотилжам касаллигининг кечишини, интерлейкинлар IL-1 $\beta$ , IL-4, IL-6 ва TNF $\alpha$  миқдорини аниқлаш орқали цитокин статусини баҳолаш, зотилжам касаллигида гемостаз тизимидаги ўзгаришлар эҳтимолини аниқлаш учун дастур ишлаб чиқиш ва ўткир зотилжамни комплекс даволашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратларини бартараф этиш натижасида юзага келадиган ногиронликни ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда аҳоли саломатлигига турли хавф омилларининг таъсири, масалан, ташқи ноқулай экологик муҳит, ҳомиладорлик ва туғишнинг патологик кечиши, болани сунъий овқатлантириш, дунёдаги экологик ўзгаришлар иммунитетнинг пасайишига олиб келмоқда, унга параллел равишда катталар ва болалар ўртасида турли патологияларнинг кўпайиши, шу жумладан ўткир зотилжам касаллиги дунёдаги болалар ўлимининг биринчи энг муҳим сабабидир-ҳар йили у беш ёшгача бўлган 1,8 миллион болани ҳаётдан олиб кетади, улардан 98% дан кўпроқ қисми ривожланаётган мамлакатларга тўғри келади (ЖССТ ахборот бюлетени ноябрь 2018г.).<sup>3</sup> Шундай қилиб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, зотилжам касаллиги бутун дунёдаги болалар ўлимининг асосий инфекцион сабабидир, у дунёдаги 5 ёшгача

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони

<sup>3</sup> ЖССТ ахборот бюллетени ноябрь 2018г.

бўлган болалар орасида барча ўлим ҳолатларининг 15% га сабаб бўлади. Иқтисодий ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда шифохонадан ташқари ўткир зотилжам касаллигидан ўлим кўрсаткичи даражаси паст ва 12% дан ошмайди, аммо ривожланаётган мамлакатларда ҳар йили 5 ёшгача бўлган 5 миллионга яқин бола ушбу касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмади (Н. Д. Азизова, Р. А. Мусажанова.2019). (Кичик ёшдаги болалар ўртасида зотилжамнинг кенг тарқалганлиги, ҳамда ўлим даражасининг нисбатан юқорилиги муаммонинг долзарблигини, касалликни даволаш усулини янада такомиллаштиришни белгилайди.) (Ўзбекистон олимлари томонидан ўтказилган текширувлар шифохонага боғлиқ бўлган зотилжам тахминан 40% болаларда ўлим сабабларидан бири бўлиб, кўпинча бир ёшгача бўлган болалар, аксарият 6 ойликгача учраши исботланган (Даминов Т.О., 2019).)

Болаларда зотилжам касаллигининг ўзига хос хусусияти – ТИТҚИ синдромининг гипокоагуляция фазасида инфекцион-токсик шокнинг тез-тез ривожланишидир (Колосов В.П., Кочегарова Е.Ю. 2022). Ўпкада ўткир яллиғланиш жараёни уларнинг метаболик функциясининг бузилишига олиб келади, бу ўпканинг гемостаз тизимининг протеаза-антипротеаза мувозанатини бошқариш қобилятини йўқотишида намоён бўлади. Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, ўткир бронх-ўпка патологиясининг турли шакллари бўлган болаларда гемостаз тизимин ва протеаза-антипротеазалари мувозанатининг бузилиши ўпкада патологик жараённинг оғирлик даражасига боғлиқ бўлиб, прокоагулянт тизими фаоллашуви ва қон ивишига қарши тизимининг етишмовчилигида намоён бўлади (Jin X, Zhu Y, Zhang Y,2018). Бироқ, зотилжам касаллигига учраган болаларда гемостаз кўрсаткичларида аниқланган ўзгаришларнинг табиати ва даражаси томир ичи қон ивишининг мавжудлигини кўрсатади, унинг яқоллиги ўпкада патологик жараённинг оғирлиги билан бевосита боғлиқ (Zhou.T., Chen,Y.L.2019). Шифохонадан ташқари ўткир зотилжамга чалинган болаларда жараённинг табиати ва босқичлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун муайян текширув схемалари ишлаб чиқилмаганлигини ва айниқса, экологик ноқулай муҳитда гемостаз ва яллиғланиш маркерлари кўрсаткичларининг хусусан, цитокинларнинг прогностик аҳамияти ўрганилмаганлигини таъкидлайдилар (Шабалов Н.П., 2016).

Ўзбекистон Республикасида болаларда шифохонадан ташқари ўткир пневмония кечиши ва эрта ташхислашни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб боришига қарамай, бу муаммо Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ташкилоти учун жиддий бўлиб, долзарблигини сақлаб қолмоқда (Шамсиев Ф.М., Умарназарова З.Е. 2014). Ҳозирги кунда Республикамизда болаларда нафас тизими патологияларида гемостаз тизимини баҳолаш ва касалликни айнан экологик ноқулай шароитда кечишини ўрганиш бўйича илмий ишлар етарлича эмаслигини такидлаган (Розинова Н.Н., Волков И. К.,2019).

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган пульмонология амалиётида болаларда шифохонадан ташқари зотилжамда диагностика ва даволаш тактикасини такомиллаштиришга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб

чиқиб, эрта ёшдаги болаларда ўткир зотилжам кечилишининг ўзига хослигини, гемостаз тизимидаги бузилишларни эрта талқин қилишга, клиник ва лаборатор намоён бўлишининг хусусиятларини ўрганишга, касалликнинг гемостазиологик асоратларни даволашни ва эрта профилактикаси самарадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалда бажариш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 01.070071 «Болаларда нафас аъзолари касалликлари ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасидаги янгича ёндашиш» (2017-2019йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ноқулай экологик муҳит таъсирида (Хоразм вилоят мисолида) эрта ёшли болаларда ўткир зотилжам касаллигида гемостаз тизими ва цитокин ҳолатини ўзгаришларини баҳолаш орқали эрта ташхислашни оптималлаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

ноқулай экологик муҳит омилларини (Хоразм вилоятида яшовчи бемор болалар мисолида) эрта ёшли болаларда ўткир зотилжам касаллигининг клиник кечилишига салбий таъсирини ўрганиш;

ушбу ҳудудда яшовчи эрта ёшли болалар шифохонадан ташқари ўткир зотилжам касаллигида гемостаз тизимининг коагуляцион, тромбоцитар ва қон томир бўғинида ўзгаришларнинг хусусиятларини аниқлаш;

ўткир зотилжам билан касалланган болаларда гемостаз тизими ва цитокин тизимидаги ўзгаришларни ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

экологик бузилишларнинг ноқўя таъсири натижасида ўткир зотилжам касаллигида гемостаз тизимида бўладиган бузилишларни инobatга олган ҳолда гемостаз тизимидаги асоратларни ташхислаш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси пульмонология бўлимларига мурожат қилган 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган шифохонадан ташқари ўткир пневмония ташхиси билан даволанган 165 нафар болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предметини** умумий клиник ва биохимик тадқиқотлар учун беморларнинг веноз қони ва унинг зардоби ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, гемостазиологик, инструментал, рентгенологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Хоразм вилоятида яшайдиган эрта ёшли болаларда ўткир зотилжам касаллиги ноқулай экологик атроф муҳит омиллари таъсири натижасида оғир кечилиши асосланган;

ноқулай экологик шароитда яшовчи эрта ёшли болаларда фон касалликларини 3 баробар кўп учраши ва ўткир зотилжам касаллигини оғир кечишига таъсири аниқланган;

экологик муҳитнинг салбий таъсири натижасида гемостаз тизимида мувозанатнинг бузилиши, юқори тромботик тайёргарлик мавжудлиги ҳамда ўткир зотилжамни клиник шакли, оғирлик даражаси, асоратига боғлиқ равишда ўзгариши асосланган;

ўткир зотилжам касаллигида интерлейкинлар IL-1 $\beta$ , IL-4, IL-6 ва TNF $\alpha$  миқдорини аниқлаш орқали болаларда цитокин статусидаги ўзгаришларнинг гемостаз тизимини (ҚФТВ, фибриноген, ЭФМК, Д -димер) ўзгаришлари билан боғлиқлиги исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шифохонадан ташқари ўткир зотилжами билан оғриган болаларни комплекс текшириш натижасида касалликда қон ивиш фаоллигининг ошиши/камайиши каби ўзгаришларни аниқлаш орқали гемостаз тизимидаги бузилишлар эрта босқичда аниқланган;

ноқулай экологик шароитда яшовчи эрта ёшли болаларда ўткир пневмонияни ташхислашнинг комплекс чора-тадбирларига қон ивишининг (ҚИВ, ҚФТВ, ТВ, фибриноген, ХМН, ЭФМК, Д -димер) кўрсаткичларини аниқлаш тавсия этилган; цитокин бузилишларининг юқори частотаси, касалликнинг дастлабки босқичида ва динамикасида гемостаз тизимини баҳолаш билан бирга яллиғланиш цитокинларини (ИЛ-1, ИЛ-4, ИЛ-6 ва TNF $\alpha$ ) ҳам аниқлаш зарурияти асосланган;

шифохонадан ташқари ўткир зотилжам билан касалланган болаларда гемостаз тизимидаги бузилишларни ҳисобга олган ҳолда, анъанавий терапия билан биргаликда ушбу тизимнинг функционал фаоллигини яхшилаш, коагуляцион бузилишнинг олдини олиш мақсадида даво чора тадбирлари бўйича таклиф берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида болаларда шифохонадан ташқари ўткир зотилжамни ташхислаш ва даволашга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ноқулай экологик шароитда яшовчи эрта ёшдаги болаларда ривожланадиган шифохонадан ташқари ўткир зотилжамни клиник-функционал хусусиятларини ва гемостаз тизимини (ҚФТВ, фибриноген, ЭФМК, Д -димер) баҳолаш натижасида касалликнинг патогенетик механизмларини эътиборга олган ҳолда зотилжамнинг диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштириш натижасида

даволаш самарадорлигини ошириш ва асоратларини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий диагностик текширувлар натижасида болаларда иммунологик ва гемостазологик ўзгаришларни ташхислаш алгоритми ва болаларда касаллик асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш ТИТҚИ синдромини башорат қилиш учун ЭВМ дастури ишлаб чиқилганлиги болаларда шифохонадан ташқари ўткир зотилжамнинг ривожланишини эрта ташхислаш ва тиббий ёрдам сифатини оширишга имкон берувчи амалий тавсияномалар билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ноқулай экологик муҳит таъсирида кичик ёшли болалар ўткир зотилжам касаллигида гемостаз тизими ўзгаришларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ноқулай экологик шароитда яшовчи эрта ёшли болаларда ўткир зотилжамни ташхислаш ва прогнозлашда геморрагик синдромни оқибатини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган “Болалардаги шифохонадан ташқари ўткир пневмониялардаги геморрагик синдромни оқибатини аниқлаш усули” номли услубий тавсияномаси тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 августдаги 8н-з/751-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома шифохонадан ташқари ўткир зотилжам бор беморларни олиб бориш, шу жумладан гемостаз ва цитокинларни статусини баҳолаш орқали касалликни асоратларини камайтириш имконини берган;

ноқулай экологик муҳит таъсирида кичик ёшли болалар ўткир зотилжам касаллигини ташхислаш ва гемостаз тизими баҳолашга қаратилган тадқиқотдан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг пулмонология бўлимига ва Хоразм вилояти Урганч тумани тиббиёт бирлашмаси бўлимлари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 23 сентябрдаги 08-29309-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши болалардаги шифохонадан ташқари ўткир пневмонияда геморрагик синдромнинг оқибатини аниқлашнинг янги усуллари қўллаш натижасида касалликнинг давомийлигини 2,7 кунга қисқартиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 6 та мақола, улардан 4 та республика ва 2 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлан рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 137 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, ҳимояга киритилган асосий қисмлари келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларининг илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот апробацияси, тадқиқотнинг нашр этилган натижалари ва диссертация тузилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эрта ёшдаги болаларда ўткир зотилжам касаллиги муаммосининг замонавий ҳолати”** номли биринчи бобида Болаларда бронх-ўпка патологиясининг келиб чиқиши ва кечишида ташқи муҳит омилларининг ўрни ўткир бронх-ўпка касалликларини ўзига хос кечиш ва шифохонадан ташқари ўткир пневмония тўғрисидаги сўнги адабиётларнинг маълумотлари тизимлаштирилган. Болаларда шифохонадан ташқари ўткир зотилжамнинг клиник жиҳатлари, гемостаз тизимидаги турли бўғинларининг ҳолати, гемостаз бузилишлари коррекцияси тамойили ва усуллари, цитокинларнинг диагностик аҳамияти ва профилактик ёрдамнинг асосий йўналишлари тавсифланган.

Бу борадаги мавжуд ютуқларни тавсифлаш жараёнида, ушбу ҳолатда юзага келадиган гемостаз тизими ўзгариши билан боғлиқ оғир асоратларнинг ривожланиш механизмини ўрганишдаги муаммоларга эътибор қаратилган. Ўткир зотилжам касаллиги асосида юзага келадиган гемостаз тизимидаги оғир асоратларни ташхислаш усуллари тақомиллаштириш учун ушбу соҳада янада чуқур изланишлар олиб бориш зарурлиги асосланган.

Диссертациянинг **“Шифохонадан ташқари ўткир зотилжам билан оғриган болаларда клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** деб номланувчи иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятлари, лаборатория тадқиқот усуллари оид маълумотлар тавсифланган. Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ Хоразм вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида шифохонадан ташқари ўткир зотилжам ташхиси билан даволанган 165 нафар 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган бўлган беморлар текширилди. Шунингдек, Лаборатория кўрсаткичларининг меъёрий кўрсаткичларини баҳолаш учун худди шу ёшдаги 40 нафар соғлом бола кўриқдан ўтказилди, ҳамда шифохонадан ташқари ўткир зотилжамга чалинган 1602 та эрта ёшли болаларнинг касаллик тарихи ретроспектив тарзда ўрганиб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида текширувдаги болалар икки гуруҳга ажратилди:

1- асосий гуруҳга Хоразм вилоятида яшовчи ва Хоразм вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази пулмонология бўлимида даволанган 120 (72,7%) нафар бемор.

2- таққослаш гуруҳига Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси болалар пулмонология бўлимида даволанган 45 (27,3%) нафар бемор ташкил қилди. Шулардан 95 (57,6%) нафарини ўғил болалар, 70 (42,4%) нафарини қиз болалар ташкил этиб, 1 ёшдан 2 ёшгача – 93 та (56,4%), 2 ёшдан 3 ёшгача – 72 (43,6%) нафар беморлардан ўрганилди.

Тадқиқотга киритиш мезонлари: 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар, клиник-рентгенологик тасдиқланган шифохонадан ташқари ўткир зотилжам касаллиги бор беморлар ва уларни ота-онасининг розилик хати.

Экологик ноқулай муҳитда яшовчи ўткир зотилжам билан касалланган болаларнинг клиник хусусиятлари ва касаллигининг клиник кечиши, оғирлик даражасини аниқлашда анамнез маълумотлари, ташқи нафас олиш функциясининг бузилиши, интоксикация белгилари яқоллиги, ўпкада рентгенологик ва юрак-қон томир тизими ҳолатидаги ўзгаришларни шунингдек, бошқа аъзолар ва тизимларда бузилишлар яқоллигини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинди.

Илмий ишни бажаришда қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилди:

Тадқиқотга киритилган болаларнинг гемостаз кўрсаткичлари ҳолатини ўрганиш мақсадида қуйидаги коагулограмма текшируви ўтказилди:

Томир-тромбоцитар гемостазни тавсифловчи тромбоцитлар сони «Couiter MD» анализатори ёрдамида ва қон кетиш вақти - (ҚКВ), қонни ивиш вақти (ҚИВ) Фолио бўйича аниқланди. Гемостазнинг плазма-коагуляцион бўғинини тавсифловчи тестлар сифатида “HUMAN CLOT DUO plus” асбобида протромбин вақти (ПТВ), фибриноген концентрацияси, қисман фаоллашган тромбопластин вақти (ҚФТВ), протромбин индекси (ПТИ), тромбин вақти (ТВ), эрувчан фибрин мономер комплекси (ЭФМК), халқаро меъёрлаштирилган нисбат (ХМН), D-димер миқдори ўрганилди.

Иммунологик текширишлар цитокинлар (IL-1, IL-4, IL-6 и ФНО-α) Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси иммунология ва инсон геномикаси институти лабораториясида (С.Петербург Давлат ИТИ ОЧБ томонидан ишлаб чиқилган) уч фазали иммунофермент таҳлил усули - "сендвич" усулига асосланди.

Олинган натижаларнинг статистик қайта ишланиши Microsoft Office Excel - 2013 дастурлари ёрдамида компьютерда амалга оширилди. Ҳар бир натижалар серияси учун ўртача арифметик (M), стандарт оғиш (σ) ва ўртача қийматнинг хатоси (m) ҳисоблаб чиқилди. Ўртача қийматларни солиштириш учун Стюдент t-критерийси қўлланилди. Статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар учун тўртта асосий муҳимлик даражаси қабул қилинди: юқори- $P < 0,001$ , ўрта- $P < 0,01$ , паст (чегаравий) –  $P < 0,05$ , аҳамиятсиз (ишончсиз) -  $P > 0,05$ .

Диссертациянинг "Экологик ноқулай шароитда яшайдиган эрта ёшдаги болаларда шифохонадан ташқари ўткир зотилжам касаллиги клиник кўринишларининг ўзига хос хусусиятлари" деб номланган

учинчи бобида ўткир зотилжам касаллиги билан ётқизилган беморларнинг клиник – лаборатор хусусиятларига қиёсий баҳо берилган.

Бугунги кунда Орол бўйида атроф муҳитни бузилиши оналар саломатлигига ва оналар касалликларига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Анамнестик маълумотларга кўра бемор болаларнинг оналарини ярмидан кўпида ҳомиладорлик вақтида сурункали соматик касалликлар учради ва Хоразм воҳасида яшовчи аёллар орасида таққослаш гуруҳига нисбатан 1,5 мартадан юқори эканлиги маълум бўлди: Сурункали холецистит асосий I гуруҳдаги 55,6% аёлда ва таққослаш II гуруҳидаги 47,5% аёлда кузатилди. Сийдик-таносил тизими сурункали касалликлари (сурункали пиелонефрит) асосий I гуруҳдаги 37,8% аёлда, шу билан бирга таққослаш II гуруҳида эса 28,3% аёлда учради. Асосий I гуруҳдаги аёлларда ёғли гепатоз учраш частотаси ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 22,5% ни ташкил қилди, бу эса таққослаш II гуруҳидаги аёллардан 1,4 марта юқори кўрсаткич (15,8%). Эндокринологик патология асосий I гуруҳдаги аёлларда кўпроқ учраган, бунда таққослаш II гуруҳига нисбатан 3,6 марта кўпроқ эканлиги исботланган (8,9% га нисбатан 23,3%;  $P < 0,01$ ) Узоқ вақт давом этган гестозлар, ҳомиладорлик эрта туғиш хавфи билан, темир танқислиги камқонлиги ва асоратланган акушерлик-гинекологик касалликлари энг кўп Хоразм воҳасидаги аёлларда учради. Экологик ноқулай шароитда оналарда экстрагенитал касалликларни кўп учраши, туғруқ ва бола туғилиш жараёнига салбий таъсирини кўрсатди: туғруқ вақтида асфиксия - асосий гуруҳда – 22,5%, таққослаш гуруҳида – 8,8%, чала туғилиш асосий гуруҳ – 5,8%, таққослаш гуруҳи – 4,4% ҳолатда кузатилди.

Бола организмнинг ривожланиши, касалликларга чалиниши, касалликни кечиши эрта ёшда болаларнинг овқатлантириш турига ҳам боғлиқ. Ҳар икки гуруҳда ҳам болаларнинг 55 % дан кўпроқ сунъий ва аралаш овқатланишда бўлган: асосий гуруҳда 45,8% болалар кўкрак сути билан, 17,5 % аралаш овқатлантиришда, 36,7% ҳолларда болалар сунъий овқатлантишда бўлган бўлса, II гуруҳда кўкрак сути билан 44,4%, аралаш овқатлантирилганлар 17,8%, сунъий овқатлантирилганлар эса 37,8% ташкил этди ва деярли бир биридан фарқ қилмади. Аммо Хоразм минтақасидаги болаларнинг 73,3% ва Тошкент шаҳридаги болаларнинг 42,2% ( $P < 0,01$ ) да кўкрак билан эмизиш давомийлиги камайганлиги қайд этилди.

Преморбид фон касалликларни таҳлили шуни кўрсатдики, биринчи ўринда экологик ноқулай муҳит хисобланган Хоразм воҳасида яшовчи болаларда Тошкент шаҳрида яшайдиган болаларга кўра аллергия касалликларни учраши (74,5%), 2,3 марта кўп, рахит касаллигини учраши (70,3 %) 1,6 марта кўп эканлигини аниқланди. Бемор болада бир вақтнинг ўзида 3 ва ундан ортиқ преморбид фон касалликларининг бирга келиши асосий I гуруҳда сезиларли даражада кўп 47,5% ва таққослаш гуруҳида эса 26,6% ҳолларда кузатилди. Бу эса, ўз навбатида болалар соғлиғида сезиларли бузилишларга олиб келишига сабаб бўлган. Асосий I гуруҳда 50,8% ҳолатда ( тез тез респиратор касалликлар учраган бўлса, уларнинг 46 нафари (38,3 %) 6 дан 9 мартагача бронхит, ўткир зотилжам билан касалланган. Таққослаш II гуруҳидаги болалар орасида эса 14 нафар (31,1%)

болалар, асосий I гуруҳ болаларига нисбатан 1,2 марта кам касалланиши кузатилди

Кузатувимизда бўлган асосий гуруҳдаги беморларнинг 44,2 % (53 нафари) оғир ва 55,8 % (67 нафари) ўрта оғир бўлган, таққослаш гуруҳида 31,2% (14 та) оғир, 68,8 % (31 нафар) ўртача оғир ҳолатда ёқизилган. ШТЗ билан оғриган болаларда нейротоксик синдром 29,4%, юрак-қон томир (25,3%) ва обструктив синдромлар (45,3%) кўринишидаги асоратларнинг ривожланиши асосий гуруҳ болалари орасида кўпроқ кузатилди.

Морфологик шакллари бўйича шифохонадан ташқари ўткир зотилжам: Асосий I гуруҳда ўчоқларнинг қўшилган шакли (56,7%) қайд этилган бўлса, II гуруҳда унинг улуши 35,5% ни ташкил этди ( $P < 0,05$ ), ўчоқли шакли асосий гуруҳда (мос равишда 35% га нисбатан 51,1%), сегментар зотилжам тури эса камроқ (мос равишда 8,3%га нисбатан 13,3%) учради. Рентгенологик текширувларга кўра икки томонлама зотилжам кўпроқ кузатилган (57,7% га нисбатан 20,0%;  $P < 0,05$ ).

(Морфологик шакллари бўйича: ўчоқли зотилжам асосий I гуруҳда (мос равишда 35% га нисбатан 51,1%) кўпроқ, сегментар зотилжам тури эса камроқ (мос равишда 8,3%га нисбатан 13,3%) учради, аммо кўрсаткичлар ишончли характерга эга эмас (3.4-жадвал).

Таққослаш II гуруҳида кўпроқ ўчоқли зотилжам тури (51,1%) қайд этилган бўлса, асосий I гуруҳда унинг улуши 2,5% ни ташкил этди ( $P < 0,05$ ). Ўчоқли қўшилган зотилжам эса (мос равишда 56,7%га нисбатан 35,5%) учради. Асосий I гуруҳида кўпроқ ўчоқли қўшилган зотилжам тури (56,7%) қайд этилган бўлса, таққослаш II гуруҳда унинг улуши 2,3% ни ташкил этди ( $P < 0,05$ )

Шифохонадан ташқари ўткир зотилжам билан касалланган болаларда икки томонлама зотилжам кўпроқ кузатилган (57,7% га нисбатан 20,0%;  $P < 0,05$ )

Ўткир зотилжам касаллигининг клиник кечишини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, I- гуруҳда нафас тезлашиши 81,7% беморларда, II-гуруҳда эса 71,1% ҳолатда кузатилди. Капилляр қоннинг кислород билан тўйинганлиги асосий гуруҳдаги 72 нафар (86,4 %) беморда кислороднинг камайиши ( $90,3 \pm 3,4\%$  гача) кузатилган бўлса, таққослаш гуруҳида  $93,5 \pm 4,2\%$ , соғлом болаларда бу кўрсаткич  $98,5 \pm 1,5\%$  га тенг бўлди.

Беморларни касалхонага ётқизиш вақтида асосий шикоятларидан 77,5% ҳолатда қуруқ йўтал ва 100% ҳолатда эса нам йўтал кузатилди. Қуруқ йўтал I-гуруҳ болаларда сезиларли даражада тез тез 37,5% учради, II-гуруҳда эса (40%) болада учради, нам йўтал эса I-гуруҳда тез тез учраган 62,5% ҳолатда II-гуруҳда эса 60% болада кузатилган. Касалликнинг бошида тана харорати фебрил 93,0% ва субфебрил 31,7% ҳолларда кузатилди. Фебрил тана хароратни кўтарилиши I-гуруҳдаги болаларда сезиларли даражада устунлик қилди (88,3% нисбатан 80%). Ота - оналарнинг болаларнинг аҳволи тўғрисидаги шикоятлари орасида тана хароратининг 38,6 дан 40,1 С гача ошиши ва 6-8 кунгача сақланиб қолганлиги кузатилди. Экологик ноқулай муҳитда яшовчи болаларнинг 100,0% интоксикация белгилари кучли намоён бўлган, уйқу бузилиши мос

равишда 86,7% ва 66,7% ( $P < 0,01$ ), тери рангпарлик – мос равишда 86,7% нисбатан 60,0%, иштаҳанинг йўқолиши асосий гуруҳда 100 % ва таққослаш гуруҳида 80% ҳолатларда кузатилди у эса II-гуруҳ болаларига нисбатан 1,9 марта кўп демакдир. Клиник белгиларнинг кучли намоён бўлиши ўткир зотилжамнинг кечишини оғирлаштиришга сабаб бўлиб, бу болалар организмида гемостаз системасида дисбаланс ривожланишига сабаб бўлади.

### 1.жадвал

#### Шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган болаларда

#### клиник кўрсаткичлари

Клиник белгилар	Асосий I гуруҳ (Хоразм вил) n=120		Таққослаш II гуруҳи (Тошкент ш.) n=45	
	Сони	%	Сони	%
Ҳолсизлик	61	50,8	32	71,1
Иштаҳа бузилиши	120	100,0	36	80,0
Уйқу бузилиши	104	86,7	30	66,7
Бурун-лаб учбурчаги цианози	87	72,5	20	44,4
Тери ранги оқарганлиги	104	86,7	27	60,0
Субфебрил тепература	14	11,7	9	20,0
Фебрил температура	106	88,3	36	80
Ҳансираш	88	73,3	18	40,0
Нафас олишнинг тезлашиши	98	81,7	35	71,1
Йўтал: - қуруқ	45	37,5	18	40
- нам	75	62,5	27	60
Перкуссия: қисқарган	<b>68</b>	<b>56,7</b>	36	80,0
Қутича товуши	26	21,7	9	20,0
- дағал нафас	45	<b>37,5</b>	<b>32</b>	<b>71,1</b>
- сусайган нафас	66	55,0	14	31,1
Хириллашлар: қуруқ	45	37,5	32	71,1
Нам	66	55,0	14	31,1

Шундай қилиб, Хоразм вилояти болаларида касалликнинг асосий клиник кўрсаткичлари умумий аҳволнинг ўта оғирлиги, юқори кўрсаткичларда 6-7 кун давом этадиган иситма, асосан қуруқ бўлган йўтал ва нафас етишмовчилиги бўлса, Тошкент шаҳрида яшовчи болаларда эса бу клиник кўрсаткичлар аксинча бир оз ўзгарган чунки уларнинг яшаш муҳити Хоразм вилоятига нисбатан анча яхши.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки ушбу регионда экологик ҳолат сабабли, Орол бўйи аҳолисини, айниқса оналар ва болаларнинг саломатлик кўрсаткичларига салбий таъсир этаётганлигини исботлайди, бемор болаларнинг оналарини ярмидан кўпида ҳомиладорлик вақтида сурункали соматик касалликлар, узоқ вақт давом этган гестозлар, ҳомиладорлик эрта туғиш хавфи юқорилиги, темир танқислиги камқонлиги ва асоратланган акушерлик-гинекологик касалликлари, туғруқ вақтида чақалоқларни асфикция билан туғилиши, чала туғилиш, Хоразм минтақасидаги болаларнинг кўкрак билан эмизиш давомийлиги камайганлиги, бемор болада бир вақтнинг ўзида 3 ва ундан ортиқ преморбид фон касалликларининг бирга келиши, (Преморбид ҳолатлари, аслида, асосий патологиянинг кечишини етарли даражада оғирлаштирадиган ва оғир кечишининг ривожланишига сабаб бўлади) аллергик касалликларни кўп учраши ўз навбатида шифохонадан ташқари зотилжам касаллигини оғир ва узоқроқ ўтиши ва асоратларини кўп учрашига олиб келади. (Юқорида санаб ўтилган барча омилларни эрта болалик даврида, шунингдек, кейинги ёш давларида ҳам ўткир касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омиллари қаторига киритамиз. Ҳар бир омилнинг алоҳида-алоҳида эмас, балки ҳар бир бола учун уларнинг биргаликда учрашининг аҳамиятини таъкидлаш керак. Болада қанчалик кўп хавф омиллари бўлса ва унда бартараф этиш чоралари кўрилмаса, такрорий касалликларга мойилликни келиб чиқиш хавфи шунчалик юқори бўлади.)

Диссертациянинг **«Экологик ноқулай муҳитда яшовчи ўткир зотилжам билан оғриган болаларда гемостаз тизими ва интерлейкинларнинг ҳолати»** номли тўртинчи боби ўткир зотилжам билан оғриган болаларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларнинг ва цитокин ҳолатига ўзаро боғлиқлигини ўрганишга бағишланган.

Болалар умумий патологиясида, айниқса ўткир зотилжам касаллигида гемостаз бузилиши юқори хавфга эга бўлиб, гиперкоагуляция ҳолатидан яққол ёки кам ифодаланган гипокоагуляциянинг турли фазаларига ўтади. Гемостаз тизими бошқа физиологик тизимлар билан чамбарчас узвий боғланган бўлиб, асосан гемокоагуляция фаоллигига таъсир қилувчи қатор омиллар, ҳомила ичи ривожланиш шароитлари, ҳомиладорлик патологик кечиши билан боғлиқ бўлади ва аксинча, болаларда қон ивиши параметрларининг ўзгариши гомеостаз тизимининг бошқа бўғинлари фаолиятида акс этади

Гемостаз тизими ҳолатини баҳолаш учун 155 нафар болаларда текширишлар ўтказилган бўлиб, 115 нафар ўткир зотилжамга чалинган болаларни ва 40 нафар соғлом ташкил этди. Бемор болалар гемостаз

тизимида ўзгаришлари гиперкоагуляция ва гипокоагуляция тафовут килинди. Хоразм вилоятида яшовчи 75 нафар боланинг 63 (84%) нафарида гиперкоагуляция ва 12 нафари (16 %) да гипокоагуляция, иккинчи гуруҳдадаги 40 та беморнинг 35 нафари (87 %)да гиперкоагуляция, 5 нафарида 12,5 % да гипокоагуляция кузатилди.

Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятида яшовчи ўткир зотилжам билан оғриган болаларда гемостаз тизимининг таққосланган ҳолати. Ушбу ўрганилаётган ШТЎЗ ли болаларда (таққослаш гуруҳи) ҳам тромбоцитлар сони кўпайган ( $326,1 \pm 10,9 \times 10^9/\text{л}$ ), аммо уларнинг ўртача кўрсаткичи Хоразм вилоятида яшовчи ШТЗ ли болалар асосий гуруҳига қараганда ( $348,1 \pm 7,7 \times 10^9/\text{л}$ ), бир оз пастроқ эди, амалий соғлом болалар орасида деярли тенг қийматлар кўрилди ( $284,8 \pm 15,52 \times 10^9/\text{л}$ ) (1-жадвал).

2-жадвал

**ШТЎЗ билан оғриган болаларда гиперкоагуляция жараёни кечганда гемостаз кўрсаткичлари.**


Кўрсаткичлар	Соғлом назорат гуруҳи n=40	Асосий гуруҳнинг ШТЎЗ ли болалари n=63	Таққослаш гуруҳи ШТЎЗ n=35	Ишончлилик, <P
Тромбоцитлар сони ( $\times 10^9/\text{л}$ )	$284,8 \pm 15,52$	$348,1 \pm 7,7$	$326,1 \pm 10,9$	<0,01
ҚИВ, сония	$303,1 \pm 3,2$	$134,8 \pm 5,1$	$156,2 \pm 6,0$	<0,001
ҚКВ, сония	$106,1 \pm 1,22$	$91,2 \pm 1,3$	$94,8 \pm 3,2$	<0,001
ҚФТВ, сония	$32,4 \pm 1,6$	$24,3 \pm 0,62$	$27,6 \pm 1,1$	<0,001
ПТВ, сония	$13,4 \pm 1,16$	$10,2 \pm 0,32$	$11,8 \pm 0,44$	<0,05
ПТИ, %	$91,03 \pm 1,2$	$132,5 \pm 3,2$	$128,2 \pm 4,6$	<0,001
ХМН, бирлик	$0,99 \pm 0,04$	$0,78 \pm 0,02$	$0,80 \pm 0,03$	<0,001
ТВ, сония	$26,2 \pm 1,18$	$14,6 \pm 0,48$	$17,2 \pm 0,61$	<0,001
Фибриноген (г/л)	$3,43 \pm 0,25$	$5,8 \pm 0,18$	$5,2 \pm 0,18$	<0,001
ЭФМК, г/л	$2,92 \pm 0,06$	$9,56 \pm 0,31$	$9,34 \pm 0,30$	<0,001
D-димер, мкг/мл	$0,21 \pm 0,05$	$0,98 \pm 0,03$	$0,89 \pm 0,03$	<0,001

**Эслатма:**  $P(<0,05)$  - статистик жиҳатдан ишончли фарқ ва  $P(>0,05)$  - таққослаш гуруҳи билан солиштирганда кўрсаткичларнинг статистик ишончли бўлмаган фарқи.

Ўртача ҚИВ ва ҚКВ ҳам назорат гуруҳига нисбатан солиштирганда ҚИВ асосий гуруҳда ШТЎЗ бўлган болаларда ва (таққослаш гуруҳи)га нисбатан 2,25 марта статистик жиҳатдан ишончли даражада қисқарган эди

( $303,1 \pm 3,2$  сония -  $134,8 \pm 5,1$  сония сония  $p < 0,05$ ) ва ҚҚВ-  $91,2 \pm 1,3$  сония. га пасайиш тенденциясига эга.

Олинган натижалар Хоразм вилоятидаги яшовчи ШТЎЗ билан касалланган болаларда қон ивиш тизимининг умумий фаоллиги ошганини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, бу ўзгаришлар Тошкент шаҳрида ШТЎЗ билан оғриган болаларга нисбатан бирмунча камроқ бўлди (1-расмга қаранг).




**Изоҳ:** \*- таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (\*- $P < 0,05$ ; \*\*- $P < 0,01$ ; \*\*\*- $P < 0,001$ )

### 1-расм. Эрта ёшли ШТЗ билан оғриган беморларда ҚИВ ва ҚҚВ ўртача қийматларини қиёсий таҳлили

Қон коагуляциясининг ошиши ички йўлда ҳам, ташқи йўлда ҳам қайд этилган. Хусусан, ҚФТВ ички фаоллашув йўли гемостазнинг ички механизмини баҳолаш учун қўлланилиб плазма факторлари етишмовчилигига ўта сезгир тест ҳисобланади, бунда ивишнинг бузилиши тромбоцитларнинг микдорий ва функционал етишмовчилигига боғлиқ эмас. ШТЎЗ билан оғриган беморларда ўртача ҚФТВ асосий ва таққослаш гуруҳлардаги беморлар орасида ҚФТВ нинг ўртача қийматлари таҳлили қилинганда, назорат гуруҳи билан солиштириганда ( $24,3 \pm 0,62$  сонияга нисбатда  $27,6 \pm 1,2$  сониягача) қисқариши аниқланди. ТВ–қон ивишнинг охирги босқичи яъни тромбин таъсирида фибриногендан фибрин ҳосил бўлиш фазасини баҳолайди. Унга плазмадаги фибрин ва фибрин дегидрадацияловчи маҳсулотлар микдори таъсир қилади. ТВ ўртача қийматларини ҳар иккала гуруҳда ҳам ( $14,6 \pm 0,48$  сония нисбатан  $17,2 \pm 0,61$  сонияга) қисқарган. Шу билан бирга, ПТВ ўртача қиймати ( $11,8 \pm 0,52$  сония нисбатан  $10,2 \pm 0,32$  сониягача) қисқарди, ПТИ ўртача қиймати ( $132,5 \pm 3\%$ га нисбатан  $2128,2 \pm 1,2\%$  гача ошганлиги кузатилди. Уларнинг ўртача қийматлари назорат гуруҳларида (ПТВ- $13,4 \pm 1,16$  сония ПТИ- $91,03 \pm 1,2\%$ ) тенг бўлди.


Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичларнинг ўртача қийматларини қиёсий баҳолаш Хоразм вилоятидаги ШТЎЗ билан касалланган болалар ўртасида энг яққол силжишларда намоён бўладиган фарқлар мавжудлигини кўрсатди. (2-расмга қаранг).



**Изоҳ:** \*- таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (\*- $P < 0,05$ ; \*\*- $P < 0,01$ ; \*\*\*- $P < 0,001$ )

### 2-Расм Шифохонадан ташқари зотилжам билан касалланган болаларда гиперкоагуляция жараёни кечганда гемостаз кўрсаткичлари.

Фибриноген ва фибринолиз кўрсаткичлари - фибрин парчаланиш маҳсулотлари ЭФМК ва Д-димер миқдорининг кўпайиши аниқланди. Асосий ва таққослаш гуруҳларини солиштирганда фибриноген миқдори ( $5,8 \pm 0,18$  г/л нисбатан  $5,2 \pm 0,18$  г/л) гача, назорат гуруҳида эса қийматлари  $3,38 \pm 0,21$  г/л га тенг, назорат гуруҳида ЭФМК -  $2,92 \pm 0,06$  г/л дан асосий ва таққослаш гуруҳларида эса ( $9,56 \pm 0,31$  г/л нисбатан  $9,34 \pm 0,30$  г/л) гача ва Д-димернинг миқдори асосий гуруҳида  $0,98 \pm 0,03$  мкг/мл гача бўлса таққослаш гуруҳида эса  $0,89 \pm 0,18$  мкг/мл гача бўлган қийматларда, назорат гуруҳида эса -  $0,2 \pm 0,05$  мкг/мл га ошган. ХМН эса асосий ва таққослаш гуруҳларида ( $0,78 \pm 0,02$  бир нисбатан  $0,80 \pm 0,03$  бирлик гача қисқарганлиги кузатилди бу тўғридан-тўғри гиперкоагуляция шароитида шаклланган фибринолитик тизимдаги бузилишлардаги кўрсаткичлар ҳисобланади (3-расмга қаранг).



**Изоҳ:** \*- таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли (\*- $P < 0,05$ ; \*\*- $P < 0,01$ ; \*\*\*- $P < 0,001$ )

### 3-расм. Яшаш жойига қараб соғлом болалар ва ШТЗ билан оғриган беморларнинг текширилган гуруҳлари орасида фибриноген, ХМН, ЭФМК ва Д-димернинг ўртача қийматларини қиёсий таҳлили

Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, Тошкент шаҳридаги беморларнинг кўрсаткичлари Хоразм вилоятидаги ШТЎЗ билан касалланган болаларга нисбатан 1.2га 1.02 ва 1.1га кам кузатилди.

